

# Ishonch

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Давлатимиз раҳбари ўша учрашувда, менинг назаримда, халққа юрагини очди. Юрагидаги орзу-армонлари, дилининг туб-тубидаги ниятларини эл билан баҳам кўрди. Қалбдан отилиб чиққан бу ёниқ сўзлар Президентимизнинг ўз халқи олдида берган ҳисобидек эди.

## Шавкат МИРЗИЁЕВ:

# «МЕН УМРИМНИ ШУ ХАЛҚҚА ТИЖВАНМАН!»

Бугун амалдорлар халқ орасига кирди. Президентимиз бу жараённи жуда халқона тилда ифодалайди: тепадан пастга тушиш...

Тўғри, бу мусибатли ва рангсиз ҳаёт тарзи бугун ўзгарди. Аммо у ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Осмондан ҳам тушгани йўқ. Нега буни биз тез унутамиз, қадрига етмаймиз?!

Англаб турганингиздек, бу жараёнлар Шавкат Мирзиёев шахсияти ва сиёсий иродаси билан боғлиқ.

Мақоланинг тўлиқ матни билан 2-, 3-саҳифаларда танишинг.



### Кун нафаси



Президент Шавкат Мирзиёев 20 май куни хорижий инвестицияларни жалб қилишда банкларнинг иштирокига оид тақдирот билан таниши.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Эрон шимолида юз берган фожиа оқибатида Эрон Ислам Республикаси Президенти Иброҳим Раисий ва унга ҳамроҳлик қилган шахсларнинг вафот этгани муносабати билан ушбу мамлакат Олий диний раҳбари оятуллоҳ Али Хоманейига ҳамдардлик билдирди.



Бирлашган Араб Амирликларида дзюдо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида терма жамоамиз вакили Днира Келдиёрова кумуш медали кўлга киритди.

## Бошқирдистон Республикаси касаба уюшмалари делегацияси ташрифи

### ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Шу кунларда Бошқирдистон Республикаси касаба уюшмалари Федерацияси раиси Гузель Мирошниченко бошчилигидаги делегация мамлакатимизда меҳмон бўлди.

Ташрифдан кўзланган асосий мақсад - ҳар икки давлат касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорлик ва халқаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш.

Сафар чоғида меҳмонлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси фаолияти, ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқи, қонуний манфаатини ҳимоя қилиш борасидаги тажрибалари билан яқиндан танишдилар. Икки давлат касаба уюшмалари вакиллари ўртасида бўлиб ўтган асосий тадбирда икки тараф қатор келишувларга эришдилар. Шунингдек, Федерация тизимидаги даволаш-профилактика маркази, сўнгги йилларда қурилиб, фойдаланишга топширилган сihatгоҳлар, Меҳнат муносабатлари академияси ҳамда бир қатор бошланғич ташкилотлар фаолиятини яқиндан ўргандилар, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига саёҳат қилдилар.

Делегация аъзолари сафар якунида мамлакатимиз ҳақидаги таассуротлари билан ўртқлашдилар.



БУ ҲАҚДА ГАЗЕТАНИНГ 4-САҲИФАСИДА ЎҚИЙСИЗ.

Кўчонбек ТўРАЕВ олган сурат

### «Ишонч телефони»: ДАРДЛИ ҚЎНҒИРОҚЛАР



4-саҳифада ўқинг...



### Мўъжизавий олама сайр

8-саҳифада ўқинг...







## Бошқирдистон Республикаси касабա уюшмалари делегацияси ташрифи

# ««1 ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

### Фаолиятимизда муҳим қадам

**Ирина ИСЛАМОВА,**  
Россия саноат ходимлари  
касба уюшмасининг  
Бошқирдистон Республикаси  
ташкilotи раиси:



– Ўзбекистон – дунёга тобора очилиб бораётган давлатлардан бири, назаримда. Мамлакатимизда аввал ҳам бўлганман. Аммо қисқа фурсатда бу даражада ўзариб кетади, деб уйламаган эдим. Янги бино-иншоотлар қад кўтарибди, турли қамровдаги завод-фабрикалар ишга тушибди. Таълим масканлари сони ортибди. Ёшлар учун имкониятлар кўпаяётганига гувоҳ бўлдик.

Делегациямиз билан аҳоли гавжум жойларда юракканмиз, одамларнинг хотиржамлиги, келажакдан кўнгли тўқлигини сездик. Шубҳасиз, бу тинчлик билан боғлиқ жиҳат. Уйлашимча, Ўзбекистон яқин йилларда янада раванқ топади.

Ҳамкорлик масаласига келсак, касба уюшмалари тизимида бир-биримиздан ўрганадиган масалалар кўп. Аввало, тизимда халқаро миқёсда ҳамкорликни кучайтиришимиз, меҳнаткашлар муаммоларига ечим топишда ҳамфикр бўлишимиз зарур, деб ҳисоблайман. Сафар асноси ўтказилган тадбирлар бизнинг кейинги фаолиятимиз учун муҳим қадам бўлди. Бу Бошқирдистон ва Ўзбекистон муносабатларини янги bosқичга олиб чиқади.



**Зумара ГАНИЕВА,**  
Россия саноатининг кимё  
соҳалари тармоқлари касба  
уюшмаси Бошқирдистон  
Республикаси ташикilotи  
раиси:



### Самарқандга яна келаман

– Дастурга кўра, белгиланган ҳудудларда навбатма-навбат бўларканмиз, менда нега бу мамлакатга аввал келмаган эканман, деган савол туғилди. Бир неча минг йиллик тарихга эга бу юртининг гўзаллигини ўз кўзингиз билан кўришингиз завқи бўлакча экан.

«Регистон», «Бибихоним», «Гўри Амир» мақбаралари менга жуда манзур бўлди. Айниқса, «Самарқанд марвариди» дея ном қозонган «Шоҳи Зинда» мажмуаси алоҳида таъриф ва таснифга лойиқ.

Тушунимча, бу нафақат тарихий-меъморчилик ёдгорлиги, балки машҳур алломалар, авлиёлар, маликалар, лашкарбошиларнинг абадий манзили ҳам экан. Ҳар бир мақбара фақат ўзигагина хос безаклар билан қопланган бўлишига қарамай, уларнинг барчаси яхлит бир композицияни, тугал бир меъморий асарни ташкил этиши, бой ва тақрорланмас архитектураси билан ёдимда қолди. Насиб этса, оила аъзоларим билан Самарқандга яна келаман.

### Тажриба алмашиш учун имконият

**Гузель МИРОШНИЧЕНКО,**  
Бошқирдистон  
Республикаси  
касба уюшмалари  
Федерацияси раиси:



– Ўтган қисқа вақт мобайнида пойтахт узгача қиёфа касб этибди. Қурилиш ва бунёдкорликларнинг салмоғи ниҳоятда кенг. Қурганларимдан чексиз ҳайратдаман. Айниқса, «Ғалаба боғи» ҳақидаги таассуротларимни сўз билан ифодаб беролмайман.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг жуда кенг қамровли фаолияти таҳсинга лойиқ. Унинг нафақат ўз ваколати доирасида, балки давлат аҳамиятига молик ишларда ҳам ижобий натижалар қайд этгани шундан далолат беради.

Умуман, самарали ҳамкорлик қилиш ва ривожланиш учун барча шарт-шароитлар бор. Халқлар ўртасидаги дўстона муносабатлар, ҳамкорликда олиб борилаётган ислохотлар шулар жумласидан. Энг асосийси, ижтимоий ва меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси бўйича мақсадимиз бир.

Ришталар тобора мустақамланиб бораётганидан беҳад мамнунмиз. Самимий мулоқот, меҳмондўстлик учун эса алоҳида ташаккур.

**Юрий ИСАЕВ,**  
Куйбишев темир йўлидаги  
Россия темир йўлчилар ва  
транспорт қурувчилари  
касба уюшмаси йўл ҳудудий  
ташикilotи раиси уринбосари:



### Дўстлигимиз бундан ҳам ривожланади

– Ўзбекистонда кўп дўстларим бор. Тез-тез хабарлашиб тураемиз. Делегация билан келганимни эшитиб, меҳмонга чорлашди. Афсус, вақт масаласи панд берди. Шундай бўлса-да, гамхўрлик ва меҳмондўстлик учун таъзимдаман.

Ташриф баҳона «Ғалаба боғи»ни зиёрат қилиш насиб этди. У ердаги ёдгорликлар кўп хотираларни ёдимга солди. Муҳими, тинчлик бўлсин, дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларимиз янада ривож топсин.

### Муносиб меҳнат – муносиб эътироф

**Валерий САФИХАНОВ,**  
Бутунроссия саноат ва  
қурилишининг нефть ва газ  
тармоғи ходимлари касба  
уюшмасининг Республика  
ташикilotи раиси:



– Ташриф давомида касба уюшмалари фаолияти билан яқиндан танишиш учун бир нечта ишлаб чиқариш корхоналарида бўлдик. Ишчи ва касба уюшма кўмитаси ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилдик. Фикримча, ишчи-ходимларга муносиб меҳнат шартини яратилган. Касба уюшмаси меҳнаткашларнинг қонуний манфаатини ҳимоя қилиш йўлида иш берувчилар билан ишни тўғри ташкил эт-

ган. Шу боис ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришяётган муассасалар кўп.

Ўзимиздаги вазият ҳақида икки оғиз сўз айтсам. Бизда нефтни қайта ишлаш, нефть-кимё бўйича кўплаб заводлар мавжуд. Улар муваффақиятли фаолият олиб борапти. Сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Барчаси касба уюшма ташикilotларига бириктирилган.

Менимча, бугунги кунда касба уюшмаси учун энг муҳим йўналиш – ўз ишчилари учун муносиб, хавфсиз меҳнат шартини яратиш. Ишонч билан айтиши мумкин, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси бу ишни тўла-тўқис адо этмоқда. Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонасининг ўз дам олиш маскани, санаторийси, маданият саройи, спорт иншооти борлиги бунинг яққол исботидир. Бир сўз билан айтганда, муносиб меҳнатга муносиб эътироф бор.

Гулномжон МИРАҲМЕДОВ ва Феруза РАҲИМОВА ёзиб олди.  
Кувончбек Тўраев олан суратлар

### ОРЗИГУЛ ОПА НЕГА САРСОН БЎЛДИ?

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида туну кун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли 1211 «Ишонч телефони»га Сурхондарёдан Орзигул Турдимуродова қўнғироқ қилди.

Маълум қилишча, қайночаси Аллаберди Худойберганов 2018 йилда уй-жойини Орзигул опанинг ўғли Отабек Муҳиддин ўғли Аллабердиевга ҳадя қилган. Аммо Термиз тумани МИБ ижрочиси уларнинг уйига келиб, «Уйни олди-сотди қилганларингиз учун 5 миллион сўм даромад солиғи чиққан» деб айтади. Опа уй олди-сотди қилинмагани, ҳадя қилиб берилгани ҳақида тушунтириб, ҳужжатларни кўрсатади, кейинчалик вилоят, туман солиқ инспекциясига мурожаат қилса-да, нотўғри чиқарилган даромад солиғи бекор қилинмади. Оқибатда Орзигул Турдимуродова нотўғри чиқарилган солиқни бекор қилишда ёрдам сўраб, «Ишонч телефони»га мурожаат қилишга мажбур бўлади.

«Ишонч телефони» комиссияси аъзолари мурожаат бўйича Сурхондарё вилояти Солиқ бошқармаси билан боғланишди. Вазият тушунтирилди. Шундан сўнг, ҳолатни ўрганиб чиққан солиқ бошқармаси масъуллари Орзигул опанинг ўғли номига чиққан солиқни бекор қилди.

Хуллас, бир мутахассиснинг хатоси тўғрисида тўғри маълумот олишнинг ҳал қилиши республика даражасидаги аралашувга айланди, қолаверса, мурожаатчининг ортиқча вақти, асаблари кетди. Аслида, Сурхондарё вилояти солиқ бошқармаси ёки Термиз тумани со-

## «Ишонч телефони»: ДАРДЛИ ҚЎНҒИРОҚЛАР



лиқ инспекцияси масалани фуқаронинг дастлабки мурожаатида ҳал қилиб берса бўларди.

«ҲОЗИР ИШЛАРИМИЗ ЯХШИ»  
«1211» рақамига сим коккан яна бир мурожаат эгаси – Ойбегим Содиқова.

У Бухоро вилоятининг Когон шаҳридан. 2 нафар фарзанди бор. «Аёллар даф-

тари»да турарди. Давлат томонидан унга тикув машиналари берилди. Натижада тикувчилик цехини очди. Қўл остида 2 нафар ишчиси ҳам бор. Ҳозир ишлари қизғин кетмоқда, йирик буюртмалар ҳам қабул қилинмоқда.

Аммо унинг ҳам ўзига яраша муаммолари бор. У икки нафар боласи билан ижарада яшайди, субсидия берилишини кутиб

юрибди. Қолаверса, давлат ёрданидан ташқари, ўз ҳисобидан ҳам кредитга 5 та тикув машинаси олган. Ҳар ойда кредит тўлайди. Шу боис у туман, сўнгра вилоят мутасаддиларига оверлок ускунаси олиб бериш масаласида ёрдам сўраб чиқди. Аммо унинг му-

рожаатлари эътиборсиз қолдирилди. Ўйлаб-ўйлаб, Ойбегим ҳам «Ишонч телефони»га мурожаат қилди.

– Мурожаатимдан кейин бир-икки кун ўтиб, оверлок ускунаси олиб келиб беришди. – дейди Ойбегим Содиқова. – Ҳозир

Зебо НАМОЗОВА  
«ISHONCH»











Хоразм вилояти

Туризм

# Мўъжизабий оламга сайр

«Ичан қалъа»га ташриф буюрган киши ўзини ўтмишга, сеҳрли бир манзилга тушиб қолгандай ҳис қилади

Хивада илк музей фаолият бошлаганига 104 йил бўлди. 1920 йил 27 апрелда Хоразм Халқ Республикасининг 1-қурултойи қарори билан кўҳна Арқда иш бошлаган дастлабки илҳам музей бугунги музей-қўриқхонага асос бўлган. Музейни ташкил этишда жадидчилик ҳаракати фаоллари – ўша даврда маориф ва маданият ноҳири бўлган Мулла Бекжон Раҳмон ўғли ва Ёш хиваликлар ҳаракати йўлбошчиси Мулла Жуманиёз Султонмуродов ташаббус ва ташкилотчилик кўрсатишган.

1967 йилда Хива тарихий-меъморий қўриқхона деб эълон қилинган. «Ичан қалъа» ва унинг бағридаги музей Ўзбекистон Вазирилари Кенгашининг 1969 йил 21 июлдаги қарорига асосан бирлаштирилиб, «Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхонасига айлантирилган. 1990 йил 12 декабрда музей-қўриқхона халқаро ЮНЕСКО ташкилоти томонидан умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Мустақиллик йилларида, айниқса,

монларга жуда манзур бўлмоқда. Шунингдек, «Ичан қалъа» худудида ўтказилаётган турли танловлар, фестиваллар, сайллар ва спорт мусобақаларидан сайёҳлар баҳраманд бўлишаётир.

«Ичан қалъа» давлат музей-қўриқхонасининг туризм соҳасига доир халқаро анжуманлар ва ярмаркалардаги иштироки йил сайин кенгаймоқда, республика ва хорижий давлатлардаги музей жамоалари билан ҳамкорлиги ҳам тобора мустақамланмоқда.

Ўтган йил ноябрь ойида Франциянинг жаҳонга машҳур Лувр музейида Ўзбекистоннинг туризм салоҳиятини намойиш этиш мақсадида ташкил этилган кўргазмада музей-қўриқхонамиз фондида сақланаётган нодир экспонатлар ҳам намойишга қўйилди ва барчанинг эътиборига, эътирофига сазовор бўлди. Шунингдек, кўргазма давомида франциялик ҳамкасблар билан ўзаро тажриба алмашиб, келгусида ҳамкорлик қилиш бўйича келишувга эришилди.

Ўтган йили музей-қўриқхонага ярим миллионга яқин, жорий йилнинг январь-апрель ойларида эса 47722 нафар сайёҳ ташриф буюрди. Хорижлик сайёҳлар сони ҳам йил сайин ошмоқда. Ўтган йилнинг дастлабки тўрт ойида 24137 нафар чет эллик сайёҳ ташриф буюрган бўлса, жорий йилнинг шу даврида уларнинг сони 40 минг кишидан ошди. Уларнинг орасида Россия, Франция, Испания, Италия, Туркия, Хитой, Германия ва Англиядан ташриф буюраётганлар кўпчиликти ташкил этмоқда.



кейинги беш-олти йил ичида мамлакатимизда аждоқларимиздан бизгача етиб келган моддий ва номоддий меросларни асравайлаш, тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Умумий майдони 26 гектарни ташкил этувчи «Ичан қалъа» худудида бугунги кунда 58 та тарихий-меъморий обида мавжуд. Турли соҳа ва йўналишларга оид минглаб нодир экспонатлар сайёҳларга намойиш этилмоқда.

Кейинги вақтда «Қадимги Хоразм», «Хоразмшоҳлар», Исломуҳжа ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳамда халқ таълими тарихини акс эттирувчи янги экспозициялар ташкил этилди.

Бундан ташқари, «Миллий либрариум» номидаги «Миллий либрариум» номидаги экспозиция, Урта Осиёдаги биринчи фото ва кино тасвири Худойберган Девонов ҳаёти ва фаолиятини акс эттирилган кўргазма, «Хоразм мусиқа тарихи» бўлимида хоразмлик машҳур санъаткорларга бағишланган кўргазмалар ўтказилди.

Маҳаллий ва хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида «Тунги Хива» дастури асосида маданий хизмат йўлга қўйилгани ҳам меҳ-

монларга жуда манзур бўлмоқда. Шунингдек, «Ичан қалъа» худудида ўтказилаётган турли танловлар, фестиваллар, сайллар ва спорт мусобақаларидан сайёҳлар баҳраманд бўлишаётир.

Булардан ташқари, қозоғистонлик, қирғизистонлик ва бошқа хорижий ҳамкасблар билан ўзаро тажриба алмашиб борилмоқда, кўчма кўргазмалар ташкил қилинмоқда.

Хоразм заминиди, хусусан, Хива шаҳрида зиёрат туризми йўл харитасидан ўрин олган муқаддас зиёратгоҳлар, табаррук қадамжолар ҳам жуда кўп. Демак, Хива шаҳри 2024 йил Исломуҳжа ҳаёти туризми пойтахти деб эълон қилингани ҳам бежиз эмас.

Айни кунларда бу борада ҳам қатор изланишлар ва ташкилий жараёнлар давом эттирилмоқда. «Ичан қалъа» худудида жойлашган қадимий ёдгорлик – Богбонли масжидида таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Сайёҳлар билан мулоқот қилишда ходимларнинг билим ва малакаси жуда аҳамиятли, албатта. Шу боис бугун ўн нафардан зиёд ходим музей мутахассислиги бўйича олийгоҳларда сиртдан таҳсил олмоқда. ЭКСКУРСОВОДЛАРИНИНГ билим ва маҳоратларини ошириш учун ўқув машғулоти ташкил этилган.

Маълумки, «Ичан қалъа» худудида маҳаллий аҳоли истиқомат қиладиган маҳалла ҳам мавжуд. Яқинда қалъага қирладиган тўртта дарвозага сўнгги русумдаги энг замонавий «ақлли» турникетлар ўрнатилди. Улар ташриф буюрувчининг ташқи қиёфасини хотирага жойлаб, «эслаб қолади». Шу тарихи сайёҳлар учун ҳам, маҳаллий аҳоли учун ҳам яна бир қулайлик яратилди. Ўз навбатида, бу хавфсиз туризм учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўтган йили музей-қўриқхонага ярим миллионга яқин, жорий йилнинг январь-



апрель ойларида эса 47722 нафар сайёҳ ташриф буюрди. Хорижлик сайёҳлар сони ҳам йил сайин ошмоқда. Ўтган йилнинг дастлабки тўрт ойида 24137 нафар чет эллик сайёҳ ташриф буюрган бўлса, жорий йилнинг шу даврида уларнинг сони 40 минг кишидан ошди. Уларнинг орасида Россия, Франция, Испания, Италия, Туркия, Хитой, Германия ва Англиядан ташриф буюраётганлар кўпчиликти ташкил этмоқда.

Нафақат сайёҳлар, балки хорижий мамлакатлар раҳбарларининг Хива заминига эътибори ва қизиқиши баланд. Кейинги йилларда Туркия, Озарбайжон, Тожикистон каби давлатлар президентлари қадимий Хивага ташриф буюришди. Бу, албатта, музей-шаҳарнинг нуфузи халқаро майдонда эътироф этилаётганидан далолатдир.

Япониялик таниқли фотограф Жин Акино Хивага алоҳида меҳр қўйган хорижликлардан бири. У ўн беш йилдан буён Хивадан қадамини узмайди. Ҳар гал келганида, тарихий шаҳарнинг гўзал ва бетакрор манзараларини тасвирга оладиган сураткаш катта тажриба ва ўзига хос маҳорат мактабига эга. Яқинда навбатдаги ташрифи

**Умумий майдони 26 гектарни ташкил этувчи «Ичан қалъа» худудида бугунги кунда 58 та тарихий-меъморий обида мавжуд. Турли соҳа ва йўналишларга оид минглаб нодир экспонатлар сайёҳларга намойиш этилмоқда. Кейинги вақтда «Қадимги Хоразм», «Хоразмшоҳлар», Исломуҳжа ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ҳамда халқ таълими тарихини акс эттирувчи янги экспозициялар ташкил этилди.**

чоғида Жин Акинонинг Хива манзаралари акс этган фотосуратлари кўргазмаси ташкил этилди. Ушбу кўргазма маҳаллий ва чет эллик сайёҳларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Музей-қўриқхона жамоасининг келгусидаги режалари катта. Яъни илмий-амалий изланишлар орқали музейни тарихий, маданиятимизга оид нодир ашёлар билан янада бойитиб бориш, моддий ва номоддий меросимизни кенг тарғиб қилиш, сайёҳларга қулайлик ва шарт-шароитларни янада яхшилаш бош мақсаддир.

Отабек ИСМОИЛОВ, журналист



Назм

## ИФТИХОР

Ал-Бухорий аждоқим,  
Муқаддасдир тупроғим.  
Фитрат – мангу фарёдим,  
Дилда «Чўли Ироғим».

Халқ ижоди – термалар,  
Лапарлардан завқ олдим.  
Сўзга чечан халқимнинг  
Ижодидан лол қолдим.

Алпомиш, Гўрўғлини  
Ёд айтган боболарим.  
Қулоғимда жаранлар,  
Дўмбира, наволарим.

«Девону луғотит турк»,  
Кошғарийдан меросдир.  
Ҳар битта сўз, ибора  
Туркий тилимга хосдир.


Аждодлардан қолгандир  
Билга Хоқон достони.  
Шундан мангу сўлмагай  
Адабиёт бўстони.

Навийнинг гулшани  
Ижодга бермоқда зеб.  
Бобур, Машраб, Муқимий  
Нидо чекди элим деб.

Шеърларида дунёнинг  
Тамаддуни бўлган жам.  
Боболарим ортидан  
Дадил боргаймиз биз ҳам.

Нурга тўлсин келажак,  
Илмли бўлсин ҳар ким.  
Ўчмасин меросларинг,  
Омон бўл, она халқим.

Мунира РАМАЗОНОВА,  
шоира



**MYACCCIS:**

Ўзбекистон қасба уюшмалари Федерацияси

ISSN 2010-5009

2007-йил 11-январда Ўзбекистон Матбуат ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўyxатга оlingан.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetaları tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi), Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir Husan ERMATOV

**Bo'limlar:** Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69 Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89 Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79 Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43 Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:** Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20 Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23 Buxoro viloyati – (+998-90) 080-93-38 Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34 Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02 Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26 Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55 Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70 Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44 Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24 Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01 Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

**Navbatchi muharrirlar:** A. Haydarov, J. Nahanov, G. Mirahmedov

**Musahhihlar:** U. Xudoyberganova, D. Ravshanova

**Sahifalovchi:** H. Abdusalilov

Bosishga topshirish vaqti – 02:40 Topshirildi – 03:00

**Bahosi kishilgan narxda** Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

**Umumiy adadi 35 131 ta Shundan: 7396 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda; 19 249 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda; 8486 nusxasi «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq. Buyurtma 329

1 2 3 4 5 6